



## ИСЛОМ ТАМАДДУНИ АКС ЭТГАН ШАХАР

**Ўрзоз Абдувоҳид Нурилаевич**

ЎзМИ “Shamsuddinxon Boboxonov” nashriyot matbaa-ijodiy uyi davriy nashrlar  
bo ‘yicha mas’ul kotib (97 304 7179; abdulvohid-urozov@mail.ru)

Бухорои шариф тарихда бир неча асрлар давомида Ислом маданияти пойтахти бўлиб келган, десак ҳам муболага бўлмайди. Ўз даврида Бухоро “Куббатул Ислом”, яъни “Ислом гумбази” деб номлангани ҳам бежиз эмас.

Қадимги анъаналарга назар ташлайдиган бўлсак, шаҳарларнинг давлатчилигидаги асосий омиллардан бири – уларнинг мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги бўлган. Бухоронинг аҳолиси ҳам чўл ерларда яшовчи кўчманчи-чорвачи қабилаларни босқинчилик ҳужумларидан сақлаш мақсадида ҳудуд атрофини мустаҳкам девор билан ўраган[1].

Бухородаги бу девор ҳаробалари ҳозиргacha сақланиб қолган. У маҳаллий халқ орасида “Канпирак”, “Кампирдевор”, “Девори Канпирак” каби номлар билан аталган.

Тарихчи Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида шундай ёзади: “Бухоро амири бўлиб турган Муҳтадий ибн Ҳаммод деворни қуришга, ҳар бир фарсаҳ (масофа)<sup>26</sup> да бир дарвоза қуришга ва ҳар ярим мил (масофа)<sup>27</sup>да биттадан мустаҳкам минора кўтаришга буюради. Бухоро қозиси Саъд ибн Ҳалоф Бухорий бу ишга муттасадди этиб тайнланади. Ниҳоят, девор 830 йили Муҳаммад ибн Ҳалжод ибн Варақнинг даврида қуриб битказилади”.

2020 йили Бухоронинг Ислом маъданияти пойтахти деб эълон қилиниши улкан тарихий-маданий ва сиёсий воқеалардан бири бўлган. Зеро, Бухорои шариф ҳақиқатан ҳам бундай шарафга муносиблиги борасида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бухоро азалдан минтақамиз тарихида муҳим ўрин тутган, жаҳон динлари туташган марказлардан бири бўлиб келган. Айниқса, Ислом тамаддуни тарихидаги ўрни бекиёсdir. Бухоро шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилишини, у ерда етишиб чиққан забардаст алломаларнинг ислом цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг тасдиғи сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Ҳолбуки, буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари тараққиётiga қўшган бекиёс ҳиссасини дунё тан олган. Биргина Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг тақдим этган “Саҳиҳул Бухорий” асари дунё мусулмон уламолар томонидан Қуръондан кейинги иккинчи манба сифатида тан олинган. Жумладан, Бухорои шарифда етти пир номи билан боғлиқ улуғ мутасаввиғ зотларнинг ўтганлиги ҳам мазкур шаҳарнинг шарафини янада зиёда этиб турибди. Абдухолиқ Фиждувоний (1103-1179), Хожа Муҳаммад Ориф Ревгари Ҳоҳитобон (1166-1259), Ҳожа

<sup>26</sup> Узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, 3000 зироъга тенг, яъни 2250 м.га, тарихда 5760 м.га тенг масофани бир фарсаҳ, дейилган («Ан-Наъиймул кабир» Наманган. Наманган.: 2014 й.).

<sup>27</sup> Фарсаҳнинг учдан бирига тенг ёки 1920 м.га тенг масофани бир мил, дейилади («Ан-Наъиймул кабир» Наманган. Наманган.: 2014 й.).



Махмуд Анжир Фағнавий (такс.1210-1286), Хожа Али Ромитоний (такс.1310/1321 ваф.), Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (1259-1354), Сайид Амир Кулол (такс.1281-1400(01), Ҳазрати Сайид Муҳаммад Баҳоул-ҳақ вал-миллат вад-дунёид-дин Нақшбанд ибн Сайид Жалолиддин (1318-1389) каби валий зотларнинг номларини санар эканмиз, дунё тамаддунида улар танлаган йўлнинг нақадар беқиёслигига амин бўламиз. Масасалн, биргина Хожа Абдухолик Ғиждувонийнинг “Маслакул орифин”[2] асаридағи ўғитлар ҳозиргача мусулмонлар учун юксак тавсия бўлиб келмоқда.

Ёйинки, Бухоро алломалари қаторида фикҳ илмида юксак мақомдаги асарлар таълиф этган Садруш шариъалар силсиласини зикр этиш мумкин. Замонасининг машҳур ҳуқуқшунос олими бўлган Садруш шариъа Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдулло Маҳбубий Бухорий бўлиб, у XIII асрда яшаб ижод этган ва муҳим фикҳий асарлар, жумладан, “Ҳидоя”га ёзилган шарҳлардан бирининг муаллифи сифатида танилган. Бухоро заминидан етишиб чиққан мазкур алломалар силсиласи, фикҳий ишончли манбалардан бири бўлган “Виқоя” китоби ва унинг шарҳ, тавзиҳлари муаллифлари ҳисобланади.

Шундай экан, қадимги Бухорои шариф Ислом олами маданиятини акс эттирган шарафли шаҳарлардан бири дейишга бир неча марталаб ҳақлимиз, десак хам муболага бўлмайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. “Тарихи Бухоро”. Форс тилидан А. Расулов ва А. Ўринбоев таржимаси. Т.: Фан. 1966 й.
2. Муҳаммад ибн Асад Бухорий. “Маслакул орифин”. ЎЭРФА ШИ, қўлёзма – №2517/I.
3. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Муҳтасарул виқоя”. Т.: Чўлпон. 1994. Б.3.
4. Абу Ҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Канавий. “Ал-Фавоиду ал-баҳия фий тарожими ал-ҳанафия”. Қозон.: Император. 1903 й.
5. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. «Муҳтасарул виқоя» Т.: Мовароуннаҳр. 1991 й.

